



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 апрел, жума №59 (1276)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан буён Қашқадарё вилоятида 18 та касб-хунар коллежи ва битта академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу кунларда Яққабодда 900 ўринли касб-хунар коллежи, Қарши шаҳрида 600 ўринли академик лицей қурилиши тугалланмоқда. Бундан ташқари жорий йилда 10 та касб-хунар коллежи қайта таъмирланиб, 4 таси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилади. Ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан 15 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

10 апрел куни Китоб туманида яна бир янги коллеж ишга тушди. Маиший хизмат соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослашган, 900 ўқувчига мўлжалланган маъзур коллеж қурилиши учун 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Коллежни тумандаги 225-механизациялашган кўчма қурилиш корхонаси қурувчилари замонавий меъморлик аъёнларига мос тарзда барпо этишди.

Касб-хунар коллежининг тантанали очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов иштирок этди. (ЎЗА).

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА ТИЛГА ТУШГАН КОРХОНА

«Бухоронон» хиссадорлик жамиятида кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляпти. Моддий бойликларни тежаш технологиясига пухта амал қилиб, вилоят ахлига кўнгилдагидек хизмат кўрсатишнинг уйдасидан чиқилмоқда. Шу тўғрисида ҳам ишлаб чиқариш суръатлари ошиб бораётди.

— Жамоамизда 578 нафар киши меҳнат қилади. Икки, кези келганда уч сменада унумли ва барқали иш юритиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Махсус кийим-кечақлардан тортиб, дам олиш, овқатланиш хоналарига ҳаммаси муҳайё этилган, — дейди корхона раҳбари Мансур Восиев.

ча жараёнлар ва сифат ўзгаришларини чуқур таҳ-

Жаҳонга йўл

лил этиб, барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олдик. Бунинг омилларидан бири — табиий газ, электр манбаи, сувдан тежаб-тергаб фойдаланётганимиздадир. Утган даврда янги технологияларни ўрнатиш хисобига миллионлаб сўм электр ва газ сарфи камайишига эришдик.

Ундан ортиқ турдаги макорон, қандолат маҳсулотлари четга чиқарилмоқда. Ана шу мақсадда Италиянинг макорон ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш хусусида ушбу мамлакатнинг етакчи фирмалари билан музокаралар олиб борилаётди. Мухаррам Раҳматова, Фазолат Жума-

ева, Қайом Наврўзов сингари ишчилар жамоа фахрига айланишган. Уларнинг қўлида сайқал топиб пештахталарга чиқарилаётган маҳсулотларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Байрам баҳонасида жамоа аъзоларига мукофотлар, совға-саломлар улашилди. Боқувчисини йўқотганлар, кўп болали оила вакиллари, нафақахўрлар эъозланди. Мактаб ўқувчилари, болалар боғчасининг тарбияланувчилари корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмасининг мурувватидан баҳраманд бўлишди.

— Олмонияда бўлиб ўтган кўргазмада жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатидан келтирилган ширинликлар ичида «Бухоронон»да тайёрланган Пашмаи ҳовла биринчи ўринга лойиқ топилди. Бу қувончли воқеа биз қандолатчиларни мудом изланишга, янгиликлар яратишга ундаётди, — дейди фахр билан кекса қандолатчи Ибод ака Тойиров.

Усмон НАВРЎЗ, ИХТИЁР ЙЎЛДОШЕВ.



Касбиликлар азалдан хунармандчилик билан шуғулланиб келишди. Касби кўлларли, Маймоқок темирчилари, Жизза кашталарию куракчиси, Қамашни гиламлари ўзини хослиги билан ажратиб туради.

Жизза қиллоғи хотин-қизлари ранг-баранг каштаю курак буюмлар тийишга жуда моҳирлар. Шу боис тадбиркор Гулирвано Ҳамидова «Гулирвано» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этганди.

Маъзур фирманинг қўлигул қизлари айни кунда келин тўйлари учун курак, сўзана, қўлашта сўзана, ойнахалталар, зардўзлик буюмларини тикмоқда.

Суратларда: Барчиноў Ҳалимова ва Қомилла Примова иш устида; «Гулирвано» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси етакчиси (чапда) Гулирвано Ҳамидова шогирдлари билан. Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида мамлакатимизда қурилиш ишлари кўламини кенгайтириш, одамларнинг ўзгани яқин, оғирини енгил қиладиган Учкудук-Мискин темир йўлининг қуриб ишга туширилганлиги, ҳозирги замон меъморчилиги талаблари асосида янги-янги бинолар фойдаланишга топширилганлиги алоҳида кайд этилган.

Иқтисодий ислохотлар йўлидан дадил бораётган «Хоразмирига қурилиш» очик турдаги хиссадорлик жамияти бунёдкорлари қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Вилоятда янги ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, мухташам ва умрбоқий иншоотлар барпо этишда гидроқурувчиларнинг муносиб улуши бор.

лакатимизнинг шимолий минтақасида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Воҳода экин майдонларининг кўп миқдорда шўрланганлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга тақозо этади. Шу боис гидроқурувчилар томонидан 661,6 гектар майдонда мелиорация ишлари амалга оширилди.

Мажбур сув ресурслари-

Хиссадорлар йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҳужжатлари, унда қабул қилинган Қарор, Юртимизнинг маърузаларидан келиб чиқадиган вазирлар бөлгилаб олинди. Уларни амалда бажара бо-риб, Богот кўчма механизациялашган шўмба корхонаси меҳнаткашлари 82,8 гектар ерни ўзлаштирдилар. Шунингдек, 203 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ишчиларнинг

М.Жуманиёзов сингари моҳир механизаторларнинг хиссаси катта бўлди.

Таъкидлаш зарурки, аҳоли зич жойлашган Хоразмда «Бандлик» дастурининг амалга оширилиши айниқса муҳимдир. Биргина Шовот кўчма механизациялашган шўмба корхонаси меҳнат жамоасининг ташаббуси билан қурувчилик касбининг пухта эгаллаган мутахассислардан янги бригада ташкил этилиб, янгитдан 40 та иш ўрни яратилди. Қўли гул бинокорлар туман марказидаги янги мактаб қурилишида ҳам фидойийлик кўрсатдилар.

Хиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашни қучайтириш иш унумдорлигини кўтаришни жуда яхши биладилар. Шунинг учун улар ўртасида имзоланган жамоа шартномасида меҳнаткашлар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар ўз аксини топган. Унга мувофиқ ишчилар махсус кийим-бош, сут ва сут маҳсулотлари, иссиқ овқат билан тўлиқ таъминланганлар. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси доимий назоратда. Қурувчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаётди. Қариялар ва аёлларга ҳам алоҳида имтиёзлар белгиланган.

ЎЛҚИН.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Парламент ассамблеяси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Меҳмонлар билан парламентимиз аъзолари ўртасидаги мулоқот чоғида асосан мамлакатимиздаги қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хусусан, яқинда ўтказилган умумхалқ референдуми, қонун чиқарувчи органи жаҳон андозаларига мос тарзда ислох қилишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар ЕХХТ Парламент ассамблеяси билан Олий Мажлис ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, шу орқали эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлади. Айниқса, Олий Мажлисни икки палатали парламентга айлантиришда ривожланган Европа давлатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда 2004 йилга қадар бу борада янги қонуналар ишлаб чиқиш, мавжудларига ўзгартириш киритишга тўғри келади. ЕХХТ вакиллари, лозим бўлса, ушбу жараёнда ўз кўмагини аямаслигини маълум қилди.

Шу кунги меҳмонлар Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди. (ЎЗА).

КОРАКЎЛЧИЛАР МАМНУН

Конимех туманидаги «Чордара» қоракўлчилик ширкат хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушган, овул аҳолиси узоққа қатнаш ташвишидан қутулди. Шифо масканида физиотерапия, акушерлик, фельдшерлик, эмлаш, муолажа хоналари ва лаборатория мавжуд. Кундузги стационарда этиб даволаниш ҳам мумкин. Қишлоқ ахлига бир врач ва 9 ҳамшира хизмат кўрсатмоқда.

Врачлик пункти биносини «Ишонч» маъмулияти чекланган жамият қурувчилари барпо этди. Худди шундай замонавий даволаш масканлари Ҳамид Олимжон номидаги, «Шўркўл», «Қарағата», «Маданият» ширкат хўжалиқларида ҳам фаолият кўрсатаётди. Яқинда «Конимех» қоракўлчилик ширкат хўжалигининг «Саржал» овулида ҳам қишлоқ врачлик пункти ишга тушади. (ЎЗА).

«... Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ... шарт» дейилади «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида.

ҲИМОЯ ТЎСИҚЛАРИ СОЗ БЎЛСИН

Зафаробод пахта тозалаш корхонаси маъмурияти Қонунини ана шу талабни тўла-тўқис бажарганида эди, бахтсиз ҳодиса юз бермаган бўларди...

Шу йилнинг 21 январини тунги Зафаробод пахта тозалаш корхонасида оғир кечди. Эндигина йигирма баҳорни қаршилаган Гулмира Мартанованинг ўнг оёғи линтер цехидаги аппарат химоя тўсиқлари бўлмаганлиги натижасида ҳаракатдаги шнекка тушиб кетиб, оғир жароҳатланди ва у касалхонага ётқизилди.

Маъзур ҳодиса тафсилотини атрофича ўрганиб чиққан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси махсус текшириш комиссияси ҳулосасида айтилишича, смена мастери Х.Сатторов иш давоми-

Меҳнат муҳофазаси

кин корхонада атиги беш ой ишлаб, бахтсиз ҳодиса сабабли бир умрга ногирон бўлиб қолган бир қиз бола тақдирини кўпчиликини ларзага солиши тайин. Бунга асосий сабаб — Зафаробод пахта тозалаш корхонасидаги маъсۇл шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлиги, бепарволиги эмасми? Жабрланувчи Г.Мартанова бахтсиз ҳодисани:

«20 январь кунини тунги сменага ишга келдим. Эрталаб соат 7 лар чамасида очик турган, ҳаракатдаги шнекка оғим тушиб кетди. Шундан чиққан пахта билан шнек усти ёпиқ турганлиги тўғрисида мен бунини сезмай қолдим...» дея воқеани асл ҳолатида изоҳласа, бутун иш вақти давомида линтер шнекларини устидаги химоя тўсиқлари созлиги, уларнинг ўз ўрнида бўлиши, умуман техника хавфсизлик ҳолатини таъминлашга маъсۇл шахс — смена ус-

таси Холмирза Сатторов эса ушбу бахтсиз ҳодисага гўё алоқаси бўлмагандек, ўзини оқламоқчи бўлиб, унга оддий бир ҳолдек қарайди ва: «... Гулмира атрофини тозалайман деб ҳаракатдаги шнек тўсиқини очган бўлиши керак» деган тахминга бориб етади. Ваҳоланки, гувоҳлар бу ҳолни инкор этади.

Нима бўлганда ҳам иш бевурич томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида ҳодимга хавфсиз меҳнат шартини яратилмаганлиги мана шундай оқибати оғир бахтсиз ҳодисага замин яратгани аниқ. Бундан тегишли ҳулоса чиқарилмас экан, юқоридагидек ҳодисанинг яна такрорланишига ҳеч қим қаролат беролмайди.

Икром ЖАБОРОВ, Жизза вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

МАДРИД УЧРАШУВИ

Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатиш муаммосини жойидан силжитиш ҳамда Исроил билан Фаластин ўртасидаги можароларни маълум бир ижобий изга солиш мақсадида Испания пойтахти Мадрид шаҳрида тўрт томонлама учрашув бўлиб ўтди. Унда БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, АКШ давлат қотиби Колин Пауэлл, Оврупо Иттифоқининг ташқи сийбаси бўйича олий комиссари Хавьер Солано ва Россия ташқи ишлар вазири Игорь Ивановлар иштирок этдилар. Фикр алмушварларда Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатилиши долзарб масала эканлиги кайд этилди. Шунингдек, АКШ президенти Ж.Бушнинг Фаластин ерларидан Исроил қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетиш борасидаги қатъий талаби яна бир бор эслатилди. Оврупо Иттифоқининг Исроилга нисбатан тутаётган йўли, хусусан, унга нисбатан ҳазо чоралари қўланилиши мумкинлиги яна бир бор айтилди.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

БМТ хавфсизлик Кенгашида Фаластин билан Исроил ўртасидаги можарони муҳофаза қилишга қаратилган очик мажлис давом этмоқда. Бунда Фаластиннинг БМТдаги доимий кузатувчиси Носир ал-Қидва сўзга чи-

қиб, халқаро ҳарбий жиноятчиликда айбланаётган исроилликларни суд қилиш тартибини ишлаб чиқишга чакирди.

КАМАЛДАН КЕЙИНГИ МУЛОҚОТ

Сўнгги кунларда Фаластиннинг Женин, Тулкарим, Калкилия, Наблис сингари шаҳарларида Исроил ҳарбийларининг «тозалаш операциялари» давом этди. Бунга жавобан фаластинликлар қаттиқ қаршилик кўрсатяптилар. Телевизор орқали сўзга чиққан Исроил бош вазири ҳарбий ҳаракатларнинг яқинда нихоясига етаганини маълум қилди.

Бу орада бош вазири Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофанинг ўз маъмурияти раҳбарияти аъзолари билан учрашишга ружас берди. Маъзур учрашув Е.Арофанинг Рамаллоҳдаги қароргоҳи Исроил армияси томонидан қамал қилингандан буён ўтказилган илк учрашуви бўлди.

ҚОЧОҚЛАР КАЙТИШМОҚДА

Панж дарёси яқинида муваққат бошпана қуриб олган афгонистонлик қочоқлар оммавий тусда ватанига қайта бошладилар. Утган ҳафта охири ва кейинги кунларда 1000 нафардан зиёд қочоқ ўз юртига қайтди. Халқаро терроризмга қарши ҳарбий операциялар бошлангандан кейин ўз уйларини ташлаб кетган кишиларни жойлаштириш жараёни

БМТнинг қочоқлар масаласи бўйича олий комиссарлиги сайё-ҳаракати билан амалга оширилмоқда.

ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИККА ИНТИЛЯПТИ

Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важапай расмий ташриф билан Сингапурда бўлди. У ташриф чоғида журналистлар билан учрашиб, Ҳиндистон террорчиликка қарши курашда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга интилябганлигини айтди.

ИККИНЧИ БОСКИЧ БЎЛАДИ

Маълумки, Ингушстонда яқинда президент сайловлари бўлиб ўтган эди. Яқунловчи натижаларга қараганда номзодлардан ҳеч бири мултак ғолибчилик эриша олмаган. Давлат думаси депутаты Алихон Амирхоний сайловларнинг 31,5 фоиз, Жанубий федерал округидаги ваколатли вакил ўринбосари Мурат Зязиков эса 19,4 фоиз овозини олишга муваффақ бўлдилар. Сайловларда аҳолининг 67,4 фоизи иштирок этган бўлса-да, президент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиши аниқ-равшан бўлиб қолди. Унда А.Амирхонов ва М.Зязиковлар ўзаро беллашадилар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ИШЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Маълумки, халқ ҳўжалиги юкларини ташишда, иктисодийни ривожлантиришда юк ташувчи автомобилларнинг ўз ўрни бор. Уларсиз корхоналар фаолиятини юритиш, кенг қўламли қурилиш ишларини олиб боришни тасаввур этиб бўлмайди.

Жаркўрган туманидаги «Руслан» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли автокорхона дарвозасидан ҳар кун илаб машиналар чиқиб, белгиланган манзил томон йўл олади. Тонналаб юклар буюртмачилар манзилига етказилади. Ҳайдовчиларнинг ишга виждонан ёндашиб, жойлардаги корхона ва ташкилотларга юкларни ўз вақтида етказишлари натижасида жойларда меҳнат жараёнининг узлуксизлиги таъминланди. Ишнинг тўғри ташкил қилингани боис мазкур автожамламанда ойлик режалар ортиги маълум адо этилаётир.

— Бугунги кунда корхонамизда 118 та турли русумдаги юк ташувчи техникалар мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз, - дейди автокорхона раҳбари Қулшоат Каримов. — Юмушлар кўпайган айни дамларда ҳам ишни пухта ташкил этиб юкларни муддатида ташиб беришга эришаётимиз. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маошлари 25-30 минг сўмга чиқди.

Ислохот инсон учун

Мазкур жамоа Жаркўрган, Қизирик ва Қумқўрган туманларининг ширкат ҳўжаликлари ҳамда виллоят дон маҳсулотлари жамияти билан тузилган шартномалар асосида иш олиб боради.

Айниқса, чигит ташиб мавсумида корхонанинг 70 та юк машинаси бир маромда ишлаб, 30 минг тоннага яқин чигит Деновдаги «Сурхонозиковқат» ҳиссадорлик жамиятига етказиб берилди. Натижада шунинг ўзидан автокорхона 48 миллион сўмдан зиёд даромад кўрди.

Яқши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек бу ерда ишловчиларга автожамлама маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси томонидан ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган. Олинаётган соф

фойданинг каттагина қисми меҳнат муҳофазаси, кўнгилли дам олиш, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Автожамлама маъмурияти ва касоба уюшма кўмитасининг ибратли ишларидан яна бири кам таъминланган ишчиларга кўрсатиладиган моддий ёрдамнинг энг кам иш ҳақининг 3-4 баробари микдорда белгиланганлигидир.

Устоз ва шогирдлик йўналишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Катта тажрибага эга, юқори малакали ҳайдовчилар ўзлари учун ўринбосарлар тайёрлайдилар. Айниқса, Абдурахим Алланазаров, Йўлдош Бекназаров ва Сафар Аҳмедов каби ҳайдовчилар ёшларнинг устози сифатида кўп йиллик иш тажрибаларини уларга ўргатиб жамоа ўртасида хурмат қозонишган.

Ҳа, мазкур жамоа аъзолари ислохотлар фақатгина унумли меҳнат, изланиш орқалигина амалга оширини яқши билишади. Зеро, уларнинг меҳнат кўрсаткичлари ҳам буни исботлаб турибди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.



ХОНОБОД СПАГЕТТИЛАРИ

Хонободда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Хон-Бугда» ўзбек-хитой қўшма корхонаси барпо этилди. Маҳаллий «Меридиан» хусусий корхонаси ва Урумчи шаҳридаги (Хитой) вермишел фабрикаси мазкур қўшма корхонанинг таъсисчилари бўлишди. Корхона бир кеча-кундузда 25 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон томони нисоз жамғармасига 150 минг доллар улуғ сифатида ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик коммуникациялари ва хомашё захираларини қўшди. Хитойлик тадбиркорлар эса жами қиймати 150 минг долларлик замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, шунингдек Япониянинг «Судзуки-мен» компанияси лицензияси бўйича тайёрланган махсус ускунани тақдим этишди.

Уйғурча қурилган угра корхонанинг асосий маҳсулоти хисобланади. У 250 ва 500 граммлик ўрамларда чиқарилади. Маҳсулот сифати унинг ички ва ташқи бозорда кўпроқ сотилишига имкон беради. Янги корхонанинг очилиши тўғрисида 120 нафар маҳаллий ёшлар ишга эга бўлдилар.


Олтиариқ тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурига кўра, 2002 йилда 800 квадрат метр савдо шаҳобчалари, 250 ўринли умумий овқатланиш ҳамда 15 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 76 минг квадрат метр яқка тартибда уй-жой қуриб битказиш режалаштирилган.

Шунингдек, 15 км. масофага табиий газ ва 10 км. масофага ичимлик суви қувурлари ётқизиш ҳамда 2 та ичимлик суви учун қазилган қудуқларни қайта таъмирлаш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунгача мазкур бошқарма томонидан 5 та бино фойдаланишга топширилди.

Суратларда: (чапдан) бошқарма қошидаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш лойиҳаси бўлими бошлиғи Муҳиддин Абдулатипов ва қурувчи Баҳодир Аҳмедов; зиёратгоҳ қурилиши.

М.КОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Меҳр-оқибат кунда керак

си, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматлардан фой-

ушган. Касоба уюшмалари иш берувчилар билан

СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Республика Президенти ва ҳукуматимиз томонидан 2002-2003 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда «Қарияларни қадрлаш йили» бўйича қабул қилинган дастурлар халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

Туманимиз касоба уюшмалари дастурларда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, кекса авлод вакилларига ва эътиборини қўйириш, ёши улуг инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашнинг аниқ режаларини белгилашди.

Касоба уюшма бошлангич ташкилотлари фуқаролар йиғинлари ва маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда кам даромадли оилалар, кўп болали аёллар ва ўзгалар ёрдамга муҳтож

даланганлиги учун қўшимча имтиёзлар берилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бундай мақсадлар учун 20 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратиб режалаштирилган.

Туманда аҳолининг репродуктив саломатлигини яқшилатиш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилди. Туғиш ёшидаги аёллар ва ўсимлар тиббий кўриқдан ўтказилди, беморлар даволашни учун шифохоналарга ётқизилди. Марказий шифохона, туғруқхона ва қишлоқ тиббиёт шохобчаларининг иши яқшиланди. Маҳаллалар, мактаблар ва коллежларда «Саломатлик туман бойлиқ», «Саломатлигингиз ўз қўлингизда», «Фарзандларингиз соғлом юрт қудратли бўлур» мавзуларида мулоқотлар уюштирилди.

Туманимизда 16721 нафар касоба уюшма аъзоси мавжуд. Улар 28 та бошлангич ташкилот ва 206 та гуруҳга

ҳодимлар ўртасида меҳнатга, ижтимоий, иктисодий, касба оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланган жамоа шартномасининг назоратини қатъий баҳоратга олганлар. Жамоаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан бирга ҳодимларга яратиб берилган имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши ҳам назорат қилинмоқда.

Касоба уюшма ташкилотлари 2002 йил шартнома режаларининг бажарилиши, иктисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий муҳофазасини йўлга қўйишда бундан кейин ҳам фаоллик кўрсатавердилар.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Хонқа туман агросаноат мажмуи ҳодими
касоба уюшма кўмитаси раиси.

Сирғали туман ҳокимлиги «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини бажара бориб, қўллаб-қўзғатиш ишларини амалга оширмоқда. Яқинда 40 нафар уруш ва меҳнат фахрийларидан ҳокимлик ёрдами билан Туркистондаги Хожа Аҳмад Ясавий макбарасини зиёрат қилиб қайтидилар.

ФАҲРИЙЛАР ЗИЁРАТИ

— Биз фахрийларнинг хурматимизни жойига қўяётган муҳтарам Юртбошимиздан, қолаверса туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси туман бўлиминдан гоят миннатдоримиз, — дейди «Маҳалла» жамғармаси раиси Нўмон Шамсиев. — Қурбон ҳайити, Наврўз байрамларида ҳам катта тадбирлар ўтказилиб, кам таъминланган қарияларга моддий ёрдам берилди. Биз буюк бобомиз Хожа Аҳмад Ясавий зиёратидан қалбимиз нурга тўлиб қайтди.

К.БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири.

МУКОФОТ ОЛГА УНДАЙДИ

Бухоро шаҳридаги «Бухоротелеком» ҳиссадорлик жамияти бугунги кунга келиб 10 минг нафарга яқин миқозда алоқа хизмати кўрсатмоқда. АТСлардаги ўз муддатини ўтаб булган ускуналарни янгилаш қисқа фурсатларда поёнига етказилди. Бунда корейлик мухтаассислар яқиндан кўмак бердилар. Натижада шаҳардаги 5 та АТС орасида биринчилардан бўлиб бизнинг корхонамизда рақамли телефон станцияларига чиқиш имконияти яратилди.

Телекоммуникация тармоғи қайта таъмирланганидан сўнг хизмат кўрсатиш сифати тубдан ўзгарди. Шаҳар бўйлаб 100 километрдан ортиқ нуртолали кабеллар ётқизилди. Янги рақамли алоқа хизматидан кейинги йилларда 4 мингга яқин миқоз баҳраманд бўлди. Яна бир қўлайлик жиҳати — юртдошларимиз жаҳоннинг исталган мамлакатига билан бемалол уйда туриб гаплашишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси замонавий услубда хизмат кўрсатиш имкониятлари яратишга алоҳида эътибор билан ёндашилган самарасидир.

Корхонамиз ҳузурида таъмирлаш бюроси ишлаб турибди. Унга аҳоли ёқуд ташкилотлардаги алоқа хизмати хусусида хабар берилса бўлгани, шу онда усталар хизмат кўрсатиш манзилига етиб боришади.

Корхонамиз Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда қайта таъмирлаш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори асосида иш юритиб келаётир. Даромадларимиз ошган сайин оладиган маош, мукофот, ёрдам пулларимизнинг салмоғи кўпаймоқда.

Меҳнати қадр топган жойда киши чарчоқ нималигини билмас экан. Бултур мустақиллик байрами арафасида «Республикада хизмат кўрсатган алоқа ҳодими» унвонига сазовор бўлдим. Бу юксак мукофот корхонамизда янги АТСлар қувватини янада ошириш сари жадал изланишга, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яқшилашга ундаётир.

Идрис АБДУЛЛАЕВ,
«Бухоротелеком» ҳиссадорлик жамиятининг етакчи мутахассиси.

Мустақиллик шарофати билан ҳар кимда ўзи танлаган меҳнат фаолияти билан шугулланиш имконияти пайдо бўлди. Ангрэн шаҳар, 31-даҳада яшовчи Наталья Поталкина ҳам хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истағи билан зарур ҳужжатларни расмийлаштирди. Шаҳар ҳокимининг 2001 йил 17 майдаги қарори билан унга хусусий тадбиркорлик билан шугулланишга рўхсат этилди. Шундан бошлаб у Ангрэн шаҳар марказий бозорига лотерея билетлари сотиш билан шугулланиб келади.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР айбдор шахс ҳисобидан

2001 йилнинг 13 июл кунинда у лотереяларга қараб туриш ва сотишни дугонасидан илтимос қилиб, тушлик қилиш учун кетганида шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари келиб, далолатнома тузадилар. Унда тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг 264-сонли Қарори талабларини бузганлиги кўрсатилди, 12 минг 250 сўм маъмурий жарима белгиланган ва бу ҳақда солиқчилар шаҳар ҳокимлигига маълум қилишган. Ушбу ҳолатда ҳокимлик

Наталья Поталкинанинг маъмурий жавобгарликка тортилганлигини инобатга олиб, бир ой мудат ичиде солиқ инспекцияси рўйхатида туриш, банкда ҳисоб рақамини очиш вазифасини қўйиши лозим эди. Лекин, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Икромов солиқчилар томонидан тақдим этилган хатни асос қилиб олиб, ҳоким номига 2001 йил 17 майдаги 300-сонли қарорининг тадбиркорга тегишли қисмини бекор қилиш ҳақида билдирув хати киритган. Шундан сўнг

Тадбиркор қонун ҳимоясида

шаҳар ҳокимининг қарори билан Н.Поталкинанинг тадбиркорлик гувоҳномаси бекор қилинган.

Узининг ноҳақ жазоланганлигини билган тадбиркор 2001 йил 9 октябрда Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат этиб, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш учун у икки ойдан кўпроқ вақт ишсиз юриб, моддий ва маънавий зарар кўрди. Бошқарма масалани кўриб, шаҳар ҳокимларини кент вилоят Адлия бошқармасига мурожаат этиб, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш учун у икки ойдан кўпроқ вақт ишсиз юриб, моддий ва маънавий зарар кўрди. Бошқарма масалани кўриб, шаҳар ҳокимларини

ЯНГИ РАСТА ИШГА ТУШДИ

Кўкон дехкон бозорига янги раста қуриб, фойдаланишга топширилди. Натижада бозорда мавжуд савдо ўринлари яна 70 тага кўпайди.

Қурилишига жами 15 миллион сўм маблағ сарфланган бу растадан мева, дон, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган пештахталар ўрин олган, — деди бозор раҳбари Азизхон Жалилов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бунда сотилаётган маҳсулотларнинг аксарияти бозор қошидаги савдо харид бўлими орқали етказиб келиняпти.

Аъзамжон ЎСАРОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Ноишлаб чиқариш тармоқларини, хусусан, бюджет ташкилотларини қўшимча маблағ билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳодимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, меҳнат шароитларини яқшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, муассасанинг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга йўналтирилиши мумкин. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 414-Қарорида худди ана шу мақсад ўзига тўғри келди. Самарқанд вилоятида ушбу Қарорнинг бажарилиши борасида анчагина ишлар қилинди. Хусусан, Тойлоқ туман халқ таълим тизимида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш чоғидаги умумий қийинчиликлар мактабларга ҳам таъсир қилмай қолмади. Кўп жойларда ахвол деярли бир хил: бинолар жиддий таъмирга муҳтож, жиҳозлар етишмайди. Бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундай вазиятда бюджет ажратмаларигагина кўз тикиб ўтириб бўлмайди. Боқимандаликдан чиқиш йўллари топиш керак. Бунга ҳукумат Қарори билан имкон берилди.

Туманда 54 та мактаб бор. Уларнинг аксарияти замонавий талабларга жавоб берувчи биноларда жойлашган. 17 та мактаб Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидланган Қарорига мувофиқ ўрнатилган шахс макомини олган. Ҳўш, мазкур мактабларда бюджетдан ташқари сармога топишни ташкил этишининг аҳоли қандай?

Мактабларнинг бундай даромад манбаини томо-

рка ердан олинаётган ҳосил, биноларни ижарага беришдан келаётган тушум, ҳўжалиқлар ажратган қўшимча ердан олинаётган фойда, отаналарнинг ҳомийлик ёрдами ташкил этиди. Ана шулар ҳисобидан ўтган йилги айрим таълим масканлари 600-700 минг сўм даромад қилди. Хусусан, 15-, 2-, 4-, 38-мактабларда эътиборга арзигулик натижаларга эришилди.

— Бундан ташқари мактаблар қошида дўконлар, кичик ишлаб чиқариш цехлари очилган, — дейди туман ХТБ муdiri Яздон Ҳамдомов. — Масалан, 28-мактабда кичик оҳақ цехи, 15-мактабда партавлари таъмирлаш устахонаси ишлаб турибди. 44-

мактабда уй-рўзгор жиҳозларини таъмирлаш цехини очмоқчимиз. Иш йўналиши, имкониятлар жуда кўп. Улардан оқилона фойдаланиш керак. Бу йил мактабларнинг жами умумий даромади 30 миллион сўм бўлиши кутилмоқда.

Кўшимча даромадларнинг ифода этадиган кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрайлик. Айрим таълим муассасаларининг даромади белгиланганидан анча паст. Айниқса, бунга ишлаб чиқариш нуқтаси назардан қаралса. Аммо мактабнинг мактаб-лиги ҳисобга олинса, бунга тушунса бўлади. Чунки мактаб жамоаси биринчи навбатда таълим-тарбия ишлари би-

лан машғул бўлиши керак. Қўшимча маблағ топиш мақсадида дарсларни қолдиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Таълим-тарбия жараёнига пўтур етказмасдан ҳам қўшимча маблағ топишни кўпайтириш мумкин. Бунга имкониятлар етарли. Биринчидан,

иктидорли болалар учун ҳам, хатто ўзлаштириш оғир ўқувчилар учун ҳам пулли қўшимча дарслар ташкил этилса-чи? Бошқача айтганда, билимли ва малакали ўқувчиларнинг репетиторлик фаолиятини назарга олиш ва бошқариш лозим. Иккинчидан, мактаб микроостасида яшовчи аҳолига, айниқса, ёшларга хунар ўргатиш, устахоналари ва спорт

Журналист нуқтаи назари

заллари бор, мактабларда хунар тўғрақлари, ўғил-қизларни соғломлаштириш мақсадида спорт-соғломлаштириш марказлари очиш аини мўддаодир. Учунчидан, кичик ишлаб чиқариш фаолиятини юргизиш учун газ, сув, электр қуввати таъминоти масалаларини ҳал этиш керак. Ва, ниҳоят, қишлоқ жойларида ажратиладиган қўшимча ерларни мактабларга доимий бирикитиб қўйиш лозим бўлади. Шундангина ундан йил-ўн икки ой фойдаланиш, бири неча марта ҳосил олиш мумкин. Қўшимча маблағ топишининг бошқа захираларини ҳам излаш зарур.

Ҳозирда қўшимча топилган маблағ мактаб эҳтиёжининг бир қисмигагина етапти, ҳолос. Бу пуллар асосан бинони таъмирлашга, майда-чўйда харажатларга сарфлана-

япти. Унинг ярмидан кўпрогини ота-оналарнинг ихтиёрий бадалларини ташкил этмоқда. Қўшимча маблағнинг харажатлари рўйхатига ўқувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам киритиш керак. Туман таълим ва фан ҳодимлари касоба уюшма кўмитаси (раиси М.Жўраева) бу борада ўзининг аниқ тақлифларини киритса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ниҳоят, шуни ҳам айтиш керакки, таълим-тарбия жараёнини амалга оширувчи, ҳаракатлантирувчи куч ҳам инсондир. Бинобарин, ана шу инсон — ўқувчиға бевосита дахлдор масалалар биринчи навбатда ва ижобий ҳал этилиши зарур.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

БОҚИМАНДАЛИК

бу иллатдан қандай қутулиш мумкин?

даромад қилди. Хусусан, 15-, 2-, 4-, 38-мактабларда эътиборга арзигулик натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг мамлакатимиз олийгоҳларининг профессор-ўқитувчилари ўртасидаги мини футбол бўйича биринчи турнири ниҳоясига етди.

Футбол — энг оммавий спорт тури, миллионлар севган ўйин. Негаки, юртдошларимиз орасида бу ажойиб спорт турига ошно бўлмаган, болалик чоғларида кўча чанги-тиб тўп тепмаган кишини топиш амримаҳол. Зеро, кейинги вақтда мамлакатимизда катта футбол каторида ҳаваскорлик йўналишида ҳам бирмунча амалий силжишлар кўзга ташланмоқда. Натижада эл севган ўйин сезиларли даражада оммавийлашиб бораётди. Бунда айниқса, спорт-соғломлаштириш ишларини юксак даражада кўтариш йўлида касабаси билан ташкиллаштирилган турли мусобақалар, спартакиадалар муҳим рол ўйнамоқда. Бу кунги кеча ниҳояланган Марказий кўмитанинг кўчма кубоги беллашувларида яна бир бор ўз намоёнигини топди. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизнинг турли олий ўқув юрталарида ёш авлодга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчилар ўртасидаги мини футбол ўйинлари кутилганидан ҳам қизиқарли кечди, муҳими турнирда дўстона руҳ ҳукмронлик қилди. Беллашувларнинг кўнглидагидек ўтишига энг аввало мусобақанинг юқори савида ташкил этилганлиги сабаб бўлди. Ўйинларнинг барча шариоатларга эга, байрамона безанган спорт залида ўтказилганлиги, ўрашувларни тажрибали ҳакамлар бошқариб борганлиги барча иштирокчиларда

мамнуният ҳиссини уйғотди.
— Ҳамкасбларимиз билан спорт майдонида учрашганимиз ҳеч қачон хотирамиздан ўчмас керак, — дейди мамнуният билан қашқадарёлик Ботир Салоҳиддинов. — Бу сафар бешинчи ўрин билан кифояланган бўлсак, келгуси турнирларда албатта мусобақасида шохсупасидан жой олишга ҳаракат қиламиз.
Турнирнинг учинчи кунги баҳслари Ўзбекистон Миллий универси-

Касаба уюшма тадбири



МИНИ ФУТБОЛ ЖОЗИБАСИ

кўчма кубок учун анъанавий турнир ниҳоясига етди

тетти спорт залида ўтказилди. Ўз гуруҳларидан ярим финалга йўл олган тўрт жамоа — Жиззах, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари кўчма кубокни қўлга киритиш учун баҳс олиб бордилар. Майдонга биринчи бўлиб тушган Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти жамоалари беллашувни тенг курашлар остида ўтди. Гоҳ пойтахтликлар, гоҳ андижонлик футболчилар рақиб жамоа дарвозаси олдида хавфли вазиятларни содир этишди. Хал қилувчи тўп эса Тошкент шаҳри жамоаси ўйинчили томонидан ўрашувнинг сўнгги дақиқаларида ўн бир метрлик жарима тўпидан киритилди. 5:4 ва мезбонлар финал босқичида. Ярм финалнинг ик-

кинчи учрашувида эса жиззахликлар Фарғона вилояти вакилларини 8:6 ҳисобида мағлуб этишди. Фарғона ва Андижон вилоятлари олий таълим муассасалари ходимлари ўртасида 3-ўрин учун кечган баҳсда омад фарғоналикларга қулиб боқди.
Биринчи кўчма кубок соҳибини аниқлаб берувчи ўйин, табиийки, кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. Бинобатта, жиззахликларнинг ўрашувнинг биринчи бўлимидаги ажойиб хатти-ҳаракатлари ишқибозлар учун ҳам, рақиб жамоа учун ҳам қутилмаган ҳол бўлди. Шу боисми, улар танаффусга 2:0 ҳисобидаги галаба билан чиқибди. Лекин иккинчи бўлимда толиқиб қолганликларини учунми, жиззахликларнинг ўйини қовшмади.

Натижада ўз дарвозаларидан бир неча тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.
Турнир ниҳояланди. Мезбон — Тошкент шаҳри жамоасига тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг биринчи кўчма кубоги, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик соғвалари топширилди. С.Муртозаев, Ш.Йўлдошев (Жиззах вилояти), Б.Холбоев, К.Смирнов (Қашқадарё вилояти), В.Лигаи (Андижон вилояти), Р.Осупов, С.Эргашев, Р.Маматқулов (Тошкент шаҳри)лар мажорати эътироф этилди. Шу билан бирга «Энг яхши тўпурақ» (Р.Абдуллаев, Хоразм вилояти), «Энг яхши дарвозабон» (Б.Матёкубов, Қорақалпоғистон Республикаси), «Энг яхши ҳимоячи» (Ж.Комилов, Сирдарё

вилояти), «Ёши улуг иштирокчи» (Қ.Саъдиев, Қашқадарё вилояти) ва «Энг яхши мураббий» (А.Пишук, Андижон вилояти) каби махсус совринлар ўз эгаларига топширилди.
Яна ўн кундан сўнг Фарғона шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика мусобақасига старт берилди. Бир ойдан зиёд вақтдан кейин эса кўчма ва навқирон Бухоро заминидан талаба ёшларнинг «Универсиада-2002» беллашувлари тантанали суратда очилади. Шубҳасиз, йилнинг энг нуфузли бу мусобақалари иштирокчилари кунги кеча Тошкентда ниҳоясига етган ўрашувлар ўртасидаги мазкур турнирдан руҳланибди, ҳавасланибди ва ўз мураббийларини хушнуд этадилар деган умиддамиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири. Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Маданият

ЎЗБЕК ҚЎФИРЧОҚЛАРИ ОЛМОНИЯДА

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Бухоро вилоят бўлими ҳузурида ташкил этилган Бухоро миллий қўғирчоқлар театр-студияси жамоаси Германия сафаридан қайтди. Истеъдодли ёш режиссёр Бурнонжон Ақобиров раҳбарлик қилаётган жамоа Берлин ва Мюнхен шаҳарларида қатор спектакллар ва концерт томошаларини ўтказиб, ўзбек миллий қўғирчоқ-бозлик санъати анъаналарини ва унинг бугунги равнақини намоён қилди.

Томошалар вақтида Лубат Давлатова, Суръат Соҳибов, Мадина Ақобирова, Дилдора Ашурова сингари қўғирчоқбозлар ҳамда бу санъат билан эндигина шуғулланаётган ўқувчилар шаънига олқишлар янгради. Чунки улар ижросидаги «Афанди ва қозон», «Тўй» спектакллари, шунингдек, халқимиз урф-одатлари, маросимларига доир сахна кўринишлари ва ажойиб қўшиқлар немис томошаларига гоаят манзур бўлди.

(ЎЗА).

Теннис

Ўтган ҳафтада дунёнинг турли мамлакатларида теннис бўйича Дэвис кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Халқаро теннис федерацияси Дэвис кубоги баҳсларида қатнашаётган энг кучли йигирмата мамлакат рейтингини эълон қилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ - КУЧЛИЛАР САФИДА

Унга кўра биринчи ўринда ўтган йилги Дэвис Кубоги ғолиби Франция 34,687.50 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни анча кучли теннисчиларга эга бўлган Австралия ва Испания эгаллаб турибди.
Кунги кеча Тошкентда ўтказилган Дэвис кубоги Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳининг иккинчи босқич плей-офф беллашувларида Жанубий Кореяни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган мамлакатимиз жамоаси кучли йигирмата олимпияда чемпиони бўлиб, 2,095.00 очко билан ўн тўққизинчи поғонани эгаллаб турибди.



Биласизми? МИТТИ РЕАКТОР

Кимёгар Менделеев даврий тизимининг 98 та изотопларидан калифорний топиладиган. Маълум бўлишича, бу изотоп парчаланганда жуда кўп микродорда нейтрон чиқади.
Масалан, бир грамм шундай изотоп парчаланганда сониясига 30.000.000.000.000 нейтрон чиқади. Муқояса учун атом электр станцияси реакторида ҳам шунча нейтрон ажралиб чиқишини эслаш кифоя.

Энг, энг, энг... УЗУН ТИРНОҚЛИ ОДАМ

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳри фуқароси Шридхар Чиллол (1937 йилда туғилган) 1990 йилнинг 25 мартида махсус кўриқдан ўтган, уни бутун мамлакат танийдиган бўлди. Гап шундаки, унинг чап қўлидаги беш бармоғи тирноқларининг узунлиги 439,2 см эканлиги аниқланган. Биргина бош бармоғи тирноқининг 76,2 см, ўрта ва ён бармоқлариники — 86,36 см, жимжигониники — 87,63 см бўлиб, Шридхар Чиллол ўз тирноқларини сўнгги бор 1952 йилда олган экан.

КАТТА ТОВОН

Покистон фуқароси Муҳаммад Аълам Чаннанинг дев одам, деб ҳам қаъришган. Сабаби унинг ҳар бир товони узунлиги 60 см бўлган ва 86-ўлчамли пойфозал кийган. Бугунги кунда Чанна номини Гиннесснинг «Рекордлар китоби»дан ўқиш мумкин.

АЖОЙИБ СОҚОЛ

АҚШнинг Айова штатидаги Кенсетт шаҳри фуқароси Ганс Н.Лангсеттнинг (1927 й. вафот этган) соқоли қирқиб олиниб ўлчанганда, узунлиги 5 метру 33 см бўлганлиги аниқланган. Соқол ҳозиргача Вашингтоннинг Смитсон институти музейида сақланмоқда.

Тўпловчи: Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Шайхонтоҳур туман Илҳом Одиллий номли 95-таъан мактаби томонидан 1995 йилда Умиджон Аҳмедов номига берилган АО 000659 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси таҳрират ходими Раъно Маҳмадовага қайнонаси **ОЙНИСА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қўли гул УСТАЛАР

Ўзбек усталари яратган буюмларининг довруғи етти килмига кетган. Бунинг сабаби буюмларнинг ўзига хошлиги, миллийлиги, жозибдорлиги ва бетакорлигидир. Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида ташкил этилган халқ амалий санъати уста ва хунармандларининг Республика кўргазмасини томоша қилган киши бунга яна бир бор амин бўлади.
Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқ амалий санъатини янада раванг топтиришда ҳайрли ишлар амалга оширилди. Бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида миллий хунармандликдаги асрий анъаналар қайта тикланди. «Устоз-шогирд» мактаби фаолиятига кенг йўл очилиб, ёш истеъдод соҳиблари қўллаб-қувватланмоқда.
Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган уста ва хунармандлар томонидан халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, куллик, гиламдўзлик, миллий каштачилик, нақошлик, заргарлик сингари йигирмадан ортиқ тури бўйича яратилган маҳсулотларга кенг ўрин берилган.

(ЎЗА).

Матбуот — ҳолис минбар. Танқид эса — келажак меваси. Шу боиски, «Ишонч» газетасида тиббиётдаги камчиликлар бир неча бор тилга олинган ҳам беҳиз эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан хусусан Чирокчи аҳолининг репродуктив кўрсаткичлари соҳасида республика ўртача даражасидан орқада қолаётган туман сифатида қайд этилгани бизни яна қалам тебратишга ундади.

Фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар туман ҳокими Файзулло Ашуров ва мутасадди ташкилот раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Чунки, 288 минг гектарлик кенг ва бепоён мекандан яшаётган 271 минг аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш осон эмас, албатта. Бир томони Самарқанд вилоятига қадар чўзилиб кетган, 150 та катта-кичик қишлоқни, яйловларда жойлашган чўпон овуллари ва отарларини ўз ичига олган худуднинг ҳаммасида ҳам бирданига тиббий шохобчалар қуриб бўлмайди. Лекин қўл қовуштириб ўтирадиган вақт ҳам эмас. Туманнинг ижтимоий демографик вазияти шойлини чора тадбирлар кўриши тақозо этади.
Хукумат қарори асосида аҳолини ижтимоий химоя қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг камол топиши учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган дастур ишлаб

3. ҚАШҚАДАРЁ: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

лаш, улар орасида касалланиш ва ногиронликнинг олдини олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аҳолиси туман марказидан олсда жойлашган Хайиткул, Дурсун, Қораёлтиқ қишлоқларида янги врачлик пунктлари қуриб битказилди. Аҳмад Яссавий номли хўжаликда бе-

лаш, улар орасида касалланиш ва ногиронликнинг олдини олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аҳолиси туман марказидан олсда жойлашган Хайиткул, Дурсун, Қораёлтиқ қишлоқларида янги врачлик пунктлари қуриб битказилди. Аҳмад Яссавий номли хўжаликда бе-

лаш, улар орасида касалланиш ва ногиронликнинг олдини олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аҳолиси туман марказидан олсда жойлашган Хайиткул, Дурсун, Қораёлтиқ қишлоқларида янги врачлик пунктлари қуриб битказилди. Аҳмад Яссавий номли хўжаликда бе-

Муаммо ечимини топмоқда

номли, «Кўкдала», Файзулла Хўжаев номли, «Наврўз», «Шўркудук», «Чорвадор» хўжаликларидан яшаётган 60 минг Охунбобоев номли, «Пахтакор», «Бешчашма», «Окчава», «Қалқам» хўжалик-

лари М.Галаев. — Айни пайтда она ва бола скрининги текширувларини ўтказиш, болалар ва ўсмир қизлар репродуктив саломатлиги бўйича ташхис — даволаш ишларини ташкил қилиш соҳасида қатор муаммолар ҳам мавжуд.
Чирокчида бўлганимизда шифокорлар тиббиётнинг моддий-техника базаси қашқадарё вилояти, бундан ўн йил олдин режага киритилган туғруқхона мажмуаси ва болалар шифохонаси қурилиши кечикчи кетаётганлиги, санитар автотранспорт паркни янгилаш ва тиббиёт асбоб-ускуналари, рациялар билан таъминлашга етарли эътибор берилмаётганлиги хусусида ҳақли эътирозлар билдиришди.
Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш, оналик ва болалик манфаатлари, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун туманда катта ишларни амалга ошириш керак бўлади. Негаки, ҳар бир миллатнинг, халқнинг генофонди мустаҳкам бўлса, унинг келажиги, равнақи ва истиқбол ияда ишончли бўлади.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH
Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.50

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.